Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 28 октябрь ЧОРШАНБА

№ 86 (12826)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Саноат ярмаркаси

## ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ




***Пойтахтимизда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилмоқда.***

Унда республикамизда фаолият юритаётган автомобилсозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика каби соҳалардан 2000 га яқин корхона ва компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар. Шунингдек, 50 дан зиёд мамлакатнинг 1300 дан ортиқ фирма ва компания вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ЁШ ОЛИМНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

*Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.*

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 42-моддадан.**

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг пухта ўйланган стратегияси, айни пайтда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган бекиёс ислоҳотлар самарасидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу дунё бозорида рақобат кучайиб бораётган бугунги шароитда мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Иқтисодиёт тармоқлари томонидан инновацион фаолиятнинг молиявий қўллаб-қувватланаётгани олимларимиз тадқиқот натижаларидан унумли фойдаланишда, пировардида иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг "Энергетикада замонавий технологиялар" лабораторияси кичик илмий ходими Бахтиёр Ғозиевнинг илмий изланишлари энергия тежаш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришда айни муддао бўлмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ўсиб бориши энергетика ресурсларига бўлган талабни оширмоқда. Бу барча тармоқ ва иншоотларда кўп энергия сарфлайдиган жиҳозларни технологик жиҳатдан замонавий, тежамкор ускуналарга алмаштириш, мавжуд технологияларни оптималлаштиришни тақозо этмоқда.

– Мамлакатимизда энергия истеъмолининг деярли ярми бино-иншоотлар ҳиссасига тўғри келади, – дейди Бахтиёр. – Янги-янги тураржой объектлари қурилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳокимлигида

**Вилоят ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши кўзда тутилган қонунлар муҳокамасига бағишланган Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

## ФАРМАЦЕВТИКА ВА ВЕТЕРИНАРИЯ РИВОЖИ

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси хусусида сўз юритилди.

"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг амалдаги таҳрири 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, у кучга кирмасидан аввал республикада ривожланган фармацевтика саноати бўлмаган. Атиги иккита фармацевтика корхонаси бўлиб, ўттизга яқин номда дори воситалари ишлаб чиқарилган холос. Эски дори таъминоти тизими ишламаган, янгиси эса ҳали оёққа турмаган.

Ушбу ҳужжатга асосан дори воситалари муомаласини қонуний тартибга солиш асослари яратилди. Натижада фармацевтика саноати ривожланди. Дори ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар 149 тага етди. Уларда 1482 номда дори воситалари тайёрланмоқда.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари фармацевтика соҳаси ривожининг замонавий босқичида тартибга солиш тамойилларини халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Янги таҳрирда халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган "Яхши клиника амалиёти", "Яхши дистрибьюторлик амалиёти", "Яхши дорихона амалиёти" каби талабларга мувофиқ фаолият олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги нормалар назарда тутилди.

Қонуннинг амалдаги таҳририга биноан республикада фақат фармокологик воситалар килиник тадқиқотларини ўтказиш кўзда тутилган бўлса, тайёрланган қонун лойиҳасининг тегишли моддаларига асосан аҳолини самарадор ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш мақсадида дори воситаларининг клиник тадқиқотларини амалга ошириш кўзда тутилади.

Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам тегишли тартибда кўриб чиқилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 апрелдаги "2014 йилда қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш Дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тайёрлаган "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси янги таҳририга тушунтириш берилди...

Бир сўз билан айтганда, маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорлар демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга, аҳолининг турмуш даражасини, мамлакатимиз фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

**Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.**



Транспорт хизмати

## ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙЯПТИ

**"Ангрен логистика маркази" акциядорлик жамияти Қамчиқ довони орқали халқ хўжалиги юкларини ташиш кўламини тобора кенгайтирмоқда. Корхона дастлаб иш бошлаган 2010 йилда 600 минг тонна юк манзилга элтиб берилган бўлса, 2014 йилда 1 миллион тоннадан ошди.**

Мамлакатимизнинг географик жиҳатдан қулай жойлашгани замонавий омборлар мажмуи ва логистика марказлари тармоғини ривожлантириш, юкларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва савдо компаниялари логистикасини самарали ташкил этиш имконини беради. Республика Президентининг 2009 йилдаги Қарори билан ташкил этилган "Ангрен логистика маркази" акциядорлик жамияти таркибида бугун иккита корхона – "Махсусюктранс" ҳамда "Транзит юк терминали" масъулияти чекланган жамиятлари фаолият кўрсатмоқда.

– Буюртмачининг юки Қамчиқ довони орқали "эшикдан эшиккача" тизимида ҳамда Наманган вилоятининг Поп туманидаги "Темирйўлобод" станциясигача етказилади, – дейди АЖ директори ўринбосари Шаҳобиддин Шарипов. – Буюртмачилар кўп. "General Motors Uzbekistan" ва "Ўзтемирйўлконтейнер" акциядорлик жамиятлари, "Ўзкимёсаноат" акциядорлик компанияси асосий мижозларимиз. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги ўнлаб йирик корхона ва тадбиркорлик тузилмалари транспорт-экспедиторлик хизматимиздан кенг фойдаланмоқда.

Логистика хизмати кўрсатиш бўйича халқаро ISO 9001:2208 сифат тизими муваффақиятли жорий этилган "Ангрен логистика маркази" АЖнинг "Махсусюктранс" масъулияти чекланган жамияти моддий-техник базаси

(Давоми 2-бетда).

Депутатлар ёшлар ҳузурида

## УЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ АЙТАР СЎЗИ БОР

**Маънавий соғлом авлодни тарбиялаш кучли ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёнида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, ёшларнинг онги ва тафаккурини ўстиришга хизмат қилувчи адабиёт, санъат, кино, театр ва оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокисиз мукаммал маънавий тарбияни шакллантириш мумкин эмас.**

Мустақиллик йилларида бу соҳаларда ўзига хос янгиланишлар юз берди, ўқувчилар қўлига етиб бораётган китобларнинг нафақат мазмун-мундарижаси, балки ташқи кўриниши – дизайнига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди, халқимизнинг миллий қадриятлари, бой тарихи, эзгу орзу-умидлари ҳақида ҳикоя қилувчи янги фильмлар, телесериал ва спектакллар кўпайди, газета ва журналларда илмий-таҳлилий, баҳс-мунозарали мақолаларга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Маънавият

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албатта ўринлидир.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Менинг жонажон маҳаллам" кўрик-танлови ўтказилмоқда. Танловдан мақсад – ўқувчилар ўртасида тарихий хотира, юксак маънавият, халқнинг тарихий анъаналари, маданий меросга ҳурмат, мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг буюк тарихий аҳамиятини англаш каби фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириб боришга қаратилган тизимли ишлар кўламини ўрганиш, уларни рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш ҳамда ижобий тажрибаларни кенг оммалаштиришдан иборат. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, "Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, ... ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида яққол кўриш имконига эга бўламиз". Шундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши ёш авлодни оила, маҳалла ва она Ватанимизга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаб, уларни янада фаолроқ бўлишга ундаши шубҳасиз.

Учта шарт бўйича ўтказиладиган танлов ниҳоясида ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

**Ойбек МУСУРМОНҚУЛОВ,**
**вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси.**

**Маҳаллани Ватан ичра мўъжаз Ватан дейишимиз бежиз эмас. Зеро, одам шу ерда туғилади, камол топади. Маҳалладошлар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишса, яхши-ёмон кунларида ёнма-ён туришса, фарзандлар ҳам шундай вояга етишади. Зеро, асрлар оша бизгача етиб келган энг яхши анъана, удум ва маросимларнинг давомийлиги ҳам маҳалла аҳлининг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, бир-бирини қўллашидандир.**

## МЕНИНГ ЖОНАЖОН МАҲАЛЛАМ

Қўлимиздаги мактуб ҳам шу ҳақда.

– Отам бедаво касалликка чалиниб, вафот этганида мен 11 ёшда эдим, – деб ёзади М.исмли йигит. – Ёлғизқўл онам мен, укам ва синглимни боқиш учун уйдан чиқиб кетиб бирор жойда ишлолмасдилар. Қийналиб юрган пайтимизда маҳалла оқсоқоли шароитимизни кўриб, касаначилик билан шуғулланишимизга ёрдам берди. Онам уйда ўтириб, ўйинчоқ йиға бошладилар. Тез орада бу ишни мен ва укам ҳам ўрганиб олдик. Рўзғоримиз ўнгланди. Келаси йили Наврўз байрамида оқсоқол сигир етаклаб келди. "Маҳалла" жамғармаси берганини айтди. Бирам қувондик. Кўп ўтмай, сигир болалади. Рўзғоримизга барака кирди. Бундан ташқари, маҳалладан моддий ёрдам бериб туришди. Бир куни маҳалла оқсоқоли менга: "Яхшигина спортчи эдинг, нега энди шуғулланмаяпсан, биздан ёрдам керак бўлса, айт" деб қолдилар. Шундай қилиб, маҳаллада янги очилган спорт клубига киритиб қўйдилар. Яна спорт билан шуғуллана бошладим, кўп мусобақаларга бордим, арзирли ўринларни қўлга киритдим. Жонажон маҳалламнинг ишончини оқлаб, келгусида нуфузли мусобақаларда қатнашиб, чет элларда ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилсам дейман. Мени доимо қўллаб-қувватлаб келган маҳалламга раҳматлар айтаман.

Мактубдан кўриниб турибдики, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, айниқса, келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандларимиз ҳақида қайғуриш фуқаролар йиғинининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Вилоятимизнинг қайси маҳалласига борманг, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва рағбатга гувоҳ бўласиз. Айниқса, ёшларни қизиқишига кўра тадбиркорликка жалб этишда маҳалла фуқаролар йиғинининг роли катта. Жумладан, бу йил Зангиота туманидаги коллеж битирувчиларининг 196 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдириб, имтиёзли кредит олишга ариза беришганди. Бугунги кунда улар орасида маҳалла ёрдамида тадбиркорликни йўлга қўйганлар кўп.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

# МЕНИНГ ЖОНАЖОН МАҲАЛЛАМ

– Маҳалламизда тадбиркор ёшларнинг кўпаяётгани қувонарли, – дейди "Хўжамозор" маҳалла маслаҳатчиси Сабоҳат Киборова. – Шулардан бири Дилфуза Ҳакимовадир. У бу йил "Гўзаллик салони" очиб, 8 хотин-қизни иш билан таъминлади. Ўтган ойда вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси аёл сартарошлар учун ташкил этган икки ҳафталик ўқув машғулотида қатнашиб, тажрибасини оширган Дилфуза қўл остидагиларга ҳам устозлик қилмоқда. Сартарошларнинг хизматидан қишлоқ аҳли мамнун. Биз қайси соҳа бўлмасин, ёшларимизни қўллаб-қувватлаб келамиз. Натижада, ҳунармандчилик, спорт, тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларимиз кўпаймоқда. Ҳамма меҳнат ва ўқиш билан банд. Бекорчи ёшни умуман учратмайсиз.

Зоирхон Жалилов номли маҳаллада ҳам ёшларга эътибор катта. Маҳалла фуқаролар йиғини кам таъминланган оилалар талабаларининг шартнома тўловларига кўмаклашиш, коллеж битирувчилари орасидан тадбиркорликка қизиққан ёшларни маҳалла ҳузурида шу соҳага ўқитиш, 56-мактабнинг аълочи, намунали, жамоат ишларида фаол ўқувчиларига стипендия бериш каби хайрли ишларга бош-қош. Бундай эътибор ва рағбат ёшлар иқтидорини юзага чиқаришга, уларни келажакка шаҳдам қадам ташлашга руҳлантирмоқда.

Яқинда вилоят бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган "Бахтиёрлар диёри" ва "Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-танловларида Юқори Чирчиқ тумани ёшлари ғолибликни қўлга киритишди. Бунинг боиси бор. Қайси маҳаллада ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилса, ўша маҳаллага омад ҳамиша ёр бўлади.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими бош мутахассиси Саида Йўлдошева Юқори Чирчиқ туманидаги "Жумабозор" ва "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига юксак баҳо берди.



– Маҳалламизда 2430 аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 882 нафари ёшлар, – дейди "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ойниса Ғаниева. – Участка нозири Зоир Мирбобоев ва посбон Тоҳир Турдибоев билан бирга коллеж ва мактабларда суҳбатлар ўтказамиз. "Ёшлар даврси" ва "Ораста қизлар" тўгаракларида "Миллий анъаналаримиз – ғуруримиз", "Маънан соғлом бўлиш учун жисмонан бардам бўлиш лозим", "Қизларнинг кийиниш ва соч турмаклаш маданияти" каби мавзуларда ўтказаётган учрашувларимиз яхши самара бермоқда.

Маҳалла ёшлари бўш вақтларида 34-, 6-, 7-мактабларда очилган спорт тўгаракларига жалб қилинган. "Менинг маҳаллам, менинг Ватаним" мавзуида ўтказилган спорт мусобақасида ёшу қари иштирок этишади.

– Теннис, енгил атлетика, футбол, шахмат, шашка каби спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақалар барчага манзур бўлди, – деб сўзида давом этди маслаҳатчи. – Ғолибларга тадбиркор ва ҳомийларимизнинг эсдалик совғаларини топширдик. Шанба – саломатлик сектори бўйича ўқув муассасалари куни. Шу куни шифокорлар билан бирга мактаб ва касб-ҳунар коллежларига борамиз. Ўқувчиларнинг соғлиғидан тортиб давоматигача текширамиз. Натижада, дарсларга сабабсиз келмай қолишлар барҳам топди.

Дарвоқе, маслаҳатчи Ойниса Ғаниеванинг ҳар бир оилани чуқур ўрганиб, уларнинг дарду ташвишлари ва қувончлари ҳақида қайғураётгани давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди, у "Шуҳрат" медали соҳиби бўлди.

Вилоятимизда ёшлар тарбиясига масъулият билан қарайдиган бу каби маҳалла фуқаролар йиғинлари кўп. Уларда ёшларни она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар тарбияси шундай ишончли қўлларда экан, юртимиз фарзандлари, албатта, баркамол бўлиб вояга етиши шубҳасиз.

**Нозима АРСЛОНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ЁШ ОЛИМНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Уларда энергия истеъмолини аниқ ҳисоб-китоб қилмаслик бир талай муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Биз яратган бино-иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш, баҳолаш ва уларни энергетик паспортлаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги дастур шундай муаммоларни бартараф этиш ва олдини олишга хизмат қилади.

Ушбу дастурда биноларда жисмонан эскирган ускуналарни тежамлисига алмаштириш, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда шаҳарсозлик ва қурилиш меъёрларига ўзгартиш киритиш, яъни уларда замон талабларига жавоб берадиган технологик ечимлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда маҳсулот учун сарфланаётган шартли ёнилғи миқдорини камайтириш ҳисобига хизматлар ҳажмини ошириш, таннархини камайтириш, асосий қувватлар ва ёрдамчи хўжаликларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш кўзда тутилган.

Дастур миллий қонунчилик талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бирга, халқаро тажриба ютуқларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. У иншоотларда истеъмол қилинаётган энергия миқдори ва унинг маркировкасини юқори даражадаги аниқликда ҳисоблайди.

Энергия сарфини камайтириш, замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш дастури аҳолига коммунал тўловларни тежаш, мамлакат учун табиий ресурслар, биринчи навбатда табиий газни иқтисод қилиш имконини беради. Шу билан бирга, экология, хусусан, атмосферада иссиқлик газлари чиқиндиларини камайтириш, атроф-муҳит ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш, энергетика компаниялари учун ёқилғига кетадиган сарф-харажатларни қисқартириш ва истеъмолчилар эҳтиёжини янада самарали қаноатлантиришга ҳисса қўшади.

Бугунги кунда ёш олим "Ўзбекистон саноати ва уй-жой коммунал секторларида энергия самарадорлигини ошириш мақсадида намунавий энергоаудит дастурларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш", "Уй-жой коммунал хўжалиги ва ижтимоий йўналиш объектлари электрон энергетик паспортини миллий меъёрий-ҳуқуқий база асосида ишлаб чиқиш" каби бир қатор давлат дастурларида фаол иштирок этмоқда. Унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг "Ўзбекистонда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш", "Миллий иқтисодиётнинг паст-углеродли ривожланишга ўтишида Ўзбекистонга кўмаклашиш" лойиҳаларидаги муваффақиятли қатнашиши ёш олим илмий изланишларининг истиқболидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Норвегия томонидан амалга оширилган биноларнинг энергетик самарадорлиги соҳасидаги ҳамкорлик дастурида малака ошириб, "Энергоаудитор" ва "Энергоаудиторларни тайёрловчи халқаро тренер" халқаро сертификатлари соҳиби бўлган Бахтиёр Ғозиевнинг ўнлаб илмий мақолалари мамлакатимиз ва чет элларда нашр этилган. Тўрт илмий изланиши Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган. У юртимиз ҳамда халқаро миқёсда ташкил этилаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси, ёш олимлар илмий-амалий конференцияларида мунтазам ўз ишланмалари ва маърузалари билан қатнашмоқда. "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси – 2015" танловида "Энг фаол ёш олим" номинацияси ғолиби бўлган тадқиқотчи "Ёш мутахассислар" III республика форумида махсус грант билан тақдирланди.

ЎзФА ёш олимлар кенгашининг фаол аъзоси Б. Ғозиев ташаббуси билан Энергетика ва автоматика институтида ёшларнинг "Энергетикада янги технологиялар ва ривожланиш истиқболлари" мавзуидаги семинар-танлови мунтазам ташкил этилмоқда. Бу ёш олимларнинг ўз қобилиятини намоён этишига имконият яратмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Қишлоқ мулкдорлари

# Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фермер хўжаликлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 октябрдаги 01-03-13-12-сонли йиғилиш баёнида белгилаб берилган ҳукумат топшириқлари, Тошкент вилояти ҳокимининг 2015 йил 21 октябрдаги "Тошкент вилояти туманларида Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида уларнинг ер участка ҳажмларини мақбуллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 289-сонли ҳамда туманлар ҳокимларининг тегишли қарорларига асосан вилоят туманларидаги мавжуд барча фермер хўжаликларининг фаолияти, жумладан:**

– фермер хўжаликларига ажратилган ер, шунингдек, сув, моддий техника ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши ҳамда ижара шартномаси шартларининг бажарилиши;

– контрактация шартномалари бажарилиши, қишлоқ хўжалик тадбирларини ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти;

– фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги, хусусан, молиявий аҳволи,моддий-техник базаси, айланма маблағлар ва дебитор-кредитор қарздорлиги;

– "Қишлоқхўжаликмашлизинг" ва тижорат банкларидан қарздорлиги.

Шунингдек, "Дала маданияти"га эътибор қаратилганлиги, жумладан,

– арик ва зовурлар тозаланганлиги;

– боғ ва токзорларда агротехник тадбирлар ўтказилганлиги (шакл бериш, қатор ораларини шудгорлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлов ўтказиш, токларни кўмиш ва бошқа тадбирлар) ўтказилганлиги белгиланган тартибда ўрганилаётгани, ўрганиш натижасида Ишчи гуруҳлар хулосаси билан фермер хўжаликлари ер майдонлари тегишли тартибда захирага олинишини маълум қиламиз.

Агар сиз мустақил фермерлик ҳаракатини ташкил этиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш орқали фермерлик ҳаракати ҳамда республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшмоқчи бўлсангиз ёхуд (фермер хўжалиги мавжуд бўлса) ер майдонингизни кенгайтирмоқчи бўлсангиз, лойиҳалар бўйича танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 10 ноябргача туман ҳокимликларига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

**Вилоят ишчи гуруҳи.**

**"Севинч нур файз" фермер хўжалигини Чиноз туманида илғорлар қаторида тилга олишади. Камолиддин Араббоев раҳбарлик қилаётган хўжалик ташкил топган 2007 йилдан буён давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режасини мунтазам ортиғи билан бажаради. Хўжалик экин майдони нисбатан чоғроқ – 34 гектар бўлишига қарамай, кўпчилик фермерларга намуна бўла олади.**

# ОМИЛКОРЛИК ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИК САМАРАСИ

Хўжалик бу йилги ғалла мавсумида дон сотиш режасини муддатидан аввал бажарди. Энг муҳими, ундирилган буғдой ҳосили гектаридан 60 центнердан тўғри келди. Белгиланганидан ортиқ хирмон уйди. Қолганини хўжалик ишчилари тенг тақсимлаб олди. Ҳозир улар ғалладан бўшаган ерда картошка, пиёз, сабзи, карам ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштирмоқда...

– Деҳқон учун осон ва қулай келадиган йилнинг ўзи бўлмайди. Лекин бу йил табиат бардош ва маҳоратимизни ғоят қаттиқ синовдан ўтказди, – дейди фермер. – Баҳорги тинимсиз ёғингарчиликлар кўз очирмай қўйди. Чигит экиш учун ҳаммаси тахт, бироқ ер тайёр эмас... Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларича бор экан. Ўқиган, ўрганганларимизга, қолаверса, тажрибага таяниб мавсум бошида юқори навли чигит уруғини қададик. Бир ҳафта деганда тўлиқ унди. Барча керакли агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажардик. Зарур табиий ҳамда минерал ўғитларни аямадик. Бунда техникаларимизнинг бутлиги, ишни белгиланган тартибда олиб борганимиз қўл келди. Шукр, меҳнатимиз зое кетмади...

Бугун фермернинг қалбини тўлқинлантираётган фахр ҳиссининг чеки йўқ. У пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди.

– Гувоҳи бўлаётганингиздек, далада ҳали пахта мўл, – дейди Камолиддин ака. – Шунинг ҳисобига бу йилги ҳосилдан 50 миллион фойда қилишни режалаштиряпмиз. Унга хўжалигимизда қўшимча тармоқ фаолиятини йўлга қўйиш ниятидамиз.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан маълум қилишларича, чинозлик фермерлар жорий йилда 7 минг 500 гектар майдонда пахтанинг "С 65-24", "Порлоқ" каби иқлимга мос, эртапишар навларини ундирган. Ғўзани тунги суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, чопиқ қилиш ишларида илғор агротехник тадбирлар қўлланилган. Чеканка қилиш, бегона ўтлардан тозалашда тажрибали мутахассислар маслаҳатига амал қилинган. Натижада мўл ҳосил етиштирилди.

Бугун оппоқ товланиб, кўзни қувонтираётган пахтани қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун барча юмушлар белгиланиб, теримчиларга зарур шароит ва қулайликлар яратилмоқда. Тиббий, маданий, савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Теримчиларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, кўнгилочар дастурлар ташкил этилмоқда.

– Фермер хўжаликлари дала шийпонларида маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда, – дейди Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари Маҳмуд Назаров. – Зеро, теримчиларнинг бўш вақти мазмунли ва мароқли ўтса, меҳнат унумдорлиги ошади. Шу мақсадда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда маданий тадбирлар ўтказмоқдамиз.

Пахта йиғим-терими мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, техника воситаларининг соз ва самарали ишлашига эришиш мақсадида вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, пахтага ихтисослашган ҳудудларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги талаблари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Фермер ва ишчилар, теримчилар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилди. Бу тадбирларда мавсумда қатнашадиган ҳар бир кишининг масъулияти, зиммасига юклатилган вазифалар, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунча ва тавсиялар берилди. Пахтазорларга яқин ҳудудларда огоҳликка чорловчи баннерлар ўрнатилди.

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Семинар

# ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса, сўнгги йилларда уларни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, имтиёз ва преференциялар бериш, эркин фаолият юритишини таъминлаш ҳамда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорларга янада қулай шарт-шароит яратиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани фикримиз тасдиғидир.**

Вилоят молия бошқармасида қонун ва қонун ости ҳужжатларига киритилган мазкур ўзгаришлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш мақсадида семинар бўлиб ўтди.

Молия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мулоқотда бошқарма мутасадди ходимлари, акциядорлик жамиятлари раҳбарлари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Таъкидлаганидек, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 42 та қонун ва қонун ости ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш киритилиб, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда, кўпи билан тўрт, бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта, фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси янги боб билан тўлдирилиб, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар белгиланди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Саноат ярмаркаси

# ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида мамлакатимизнинг барча истеъмолчиларига маҳаллий корхоналар ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмай, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш учун барча шароитлар яратилади. Маҳсулот етказиб бериш шартномалари ярмарка дирекцияси рўйхатидан ўтади ва шартномалар реестрига киритилади.

Эътиборлиси, қатнашчиларга вазирлик ва идоралар, республика божхона ва солиқ қўмитаси, банк, суғурта компаниялари, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш соҳасига ихтисослашган ташкилотлар мутахассислари, ташқи иқтисодий алоқа ва махсус ташқи савдо компаниялари экспертларининг "on-layn" кўмаги ҳавола этилади.

Республика Президентининг "Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро кооперацияни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан ўтказилаётган анъанавий форумда мамлакатимизда ўз хом ашёсидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг янги турлари ва йўналишларини ривожлантиришда эришилаётган ютуқлар намойиш этилди.

Қувонарлиси, ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркасида вилоятимиздаги 90 та корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, жами 132,4 млрд. сўмлик ўза ро манфаатли шартномалар тузилган эди. Бу йил эса, 120 дан зиёд корхоналар 500 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашиб 185,5 млрд. сўмлик шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Транспорт хизмати

# ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙЯПТИ

жуда мустаҳкам. Жамият балансида бугунги кунда "MAN" русумли 338 та замонавий юк машиналари мавжуд бўлиб, халқ хўжалиги юкларини ташишга мўлжалланган 12 хилдаги ярим тиркамалар ҳам бор. Контейнер, суюқ юк, ёғоч маҳсулотлари, мебель, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишга мўлжаллаган юк автомобилларини бошқараётган ҳайдовчиларнинг касб малакаси, ўз ишига масъулияти ҳам юқори.

Бугун транспорт воситаларининг республика ҳудудидаги ҳаракати масофадан назорат қилинмоқда. Гап шундаки, бу ерда ягона диспетчерлик маркази фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, корхона тасарруфидаги транспорт воситаларига масофадан кузатиш имконини берувчи махсус қурилмалар ўрнатилган. Бундай интерфаол назорат тизими "Ангрен логистика маркази"нинг транзит фаолияти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

Логистика марказининг яна бир корхонаси – "Транзит юк терминали" масъулияти чекланган жамияти 8,6 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, юкларни ортиш, тушириш ва вақтинча сақлаш учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда йилига 8 миллион тоннагача юк сақлаб туриш имконияти мавжуд. Энг асосийси, терминал темир йўл тармоғига уланган. Бу ерда темир йўл ва автомобиль тарозиси, 32 тоннагача юк кўтариш қувватига эга иккита кўприкли кран ишлаб турибди. Ҳудудда божхона, декларантлик идоралари, "Ўзстандарт" агентлиги шахобчалари фаолият кўрсатаётгани буюртмачиларга катта қулайлик яратади.

– Ҳадемай, Қамчиқ довони орқали поездлар қатнови бошланиб, ташкилотимиз учун ҳам янги имконият уфқлари очилиши шубҳасиз, – дейди Шаҳобиддин Шарипов. – Биз ушбу имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимиз бўйлаб янги йўналишлар очамиз. Шу билан бирга халқаро юк ташишлар ҳам кенг йўлга қўйилади.

Марказ мутахассислари яқин истиқболда амалга ошириладиган ишларни ўз ичига олган махсус дастур ишлаб чиқишган. Дастурда халқаро йўналишларда юк ташиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда халқаро логистика ташкилотлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилаяпти. "Ангрен логистика маркази"нинг ўнлаб ҳайдовчи-экспедиторлари Россия, Эрон ва бошқа қатор давлатлар бўйлаб халқаро юк ташиш тажрибасига эга. Яқин келгусида бундай ҳайдовчилар сафини кенгайтириш тадбирлари кўрилаяпти.

**Неъмат ДУШАЕВ.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Депутатлар ёшлар ҳузурида

# УЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ АЙТАР СЎЗИ БОР



Хўш, бу бадиий асарлар, турли мавзудаги долзарб мақолаларни ёшлар қандай қабул қилишмоқда? Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган кўрсатув ва телесериалларга уларнинг муносабати қандай? Ҳудудларда замонавий китоб дўконлари борми? Уларни китоб билан таъминлаш қандай ҳал этилмоқда?

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, "Адолат" СДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида Бекобод туманида ёшлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари туманимиздаги китоб дўконлари фаолиятини ўрганишди, – дейди маънавият-тарғибот маркази раҳбари Зоҳида Сувонова. – Мавжуд китоб дўконларини замонавий талаблар даражасидаги янги асарлар билан бойитиш, чекка қишлоқларда ҳам шундай маънавият масканларини барпо этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди. Очиқ мулоқот жараёнида эса ёшларимизнинг ҳақиқатдан ҳам яхши асарларга чанқоқ эканликларига амин бўлдик. Уларнинг ўқиган китоблари ҳақидаги мулоҳазалари, кутилмаган савол ва таклифлари биз маънавиятчиларни ҳайратга солди. Депутатлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткор ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги бундай тадбирлар орқали ёшлар ичига янада фаолроқ кириб боришимиз, уларнинг қизиқишлари ва интилишларини қўллаб-қувватлашимиз, муаммоларига бепарво бўлмаслигимиз кераклигини яна бир бор ҳис этдик.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси масъул ходими Илёс Достонов, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зарифа Эралиева, ёзувчи Шойим Бўтаев, телесериаллар режиссёри Иброҳим Расуловнинг миллий-маънавий тарбияни шакллантиришда адабиёт, санъат ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни масаласидаги суҳбатларини йиғилганлар қизиқиш билан тингладилар.

– Болалигимдан китоб ўқишга қизиқаман, – дейди тумандаги "Баркамол авлод" болалар маркази тўгарак раҳбари Нозима Ўсарова. – Айниқса, тарихий асарлар жони-дилим. Ҳозирги ёшлар китоб ўқимайди, дейдиганларнинг фикрига қўшилмайман. Фаолиятимдан биламанки, болаларга бирор қизиқарли асар тўғрисида гапириб қолсангиз, улар ўша китобни албатта топиб ўқишга ҳаракат қилишади. Демак, мамлакатимизда чоп этилаётган энг яхши китоблар тарғиботини кучайтиришимиз керак.

– Китоб ўқишдан ташқари, ўзаро сўзлашиш, кийиниш маданиятига амал қилиш ҳам маънавиятни белгилайди, – дейди тумандаги 55-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Беҳруз Рашидов. – Юртимизда театр ва кино санъати ҳозир жуда ривожланиб кетди. Бир қанча ўзбек киноасарлари дунёдаги халқаро танловларда қатнашиб, эътироф этилганини газеталарда ўқиганман. Лекин айрим кино ва телесериаллардаги ёш қаҳрамонларнинг миллийлигимизга хос бўлмаган алламбало кийинишлари, ўзбек тилини рус, инглиз ва бошқа тилларга аралаштириб гапиришлари менга ёқмайди. Соф ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилмай, бошдан охир шеваларда кино яратаётган шундай режиссёрлар ва муаллифлар адабий тилимизни бузаётганликлари учун жавоб бермайдиларми? Ахир киноларга тақлид қилаётган айрим ёшлар кўча-кўйда ўзларини ўша фильм қаҳрамонларидай тутиши ва гаплашиши бор гап-ку?!

Очиқ мулоқотда иштирок этган депутатлар, ёзувчи ва оммавий ахборот воситалари раҳбарлари бу каби кўплаб саволларга атрофлича жавоблар қайтардилар.

– Ёшлар билан дилдан суҳбатлашиш келгусида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда амалга ошириладиган ишларимизни белгилаб олишда жуда муҳимдир, – дейди З. Эралиева. – Энг муҳими, ёшлар мамлакатимизда кечаётган ўзгаришларга бефарқ эмас. Вилоятимизнинг чекка қишлоқларида яшаётган ёшларнинг ўз халқи тарихини билишга қизиқиши, уларнинг қалбида Ватанимиз мустақиллигини асраб-авайлаш ҳиссининг кучлилиги, бир неча тилни ўрганишга бўлган иштиёқи ҳамда фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари энг аввало, юртимизда ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитларнинг, таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мевасидир.

Шу куни туман ёшлари турли йўналишлардаги ижодий ишлари тўғрисида йиғилганларга гапириб бердилар, шеърларидан намуналар ўқидилар.

Тадбир сўнгида туман "Баркамол авлод" болалар маркази кутубхонаси учун китоблар совға қилинди.

**Мансур НАХАЛОВ**
**олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонун ҳимоясида

**Вилоят прокуратураси органлари Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари асосида вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, шу йилнинг 9 ойида вилоят прокуратураси органлари соҳага оид 226 та текшириш ўтказиб, натижасига кўра 830 та прокурор назорати ҳужжатларини қўллади. Хусусан, 179 та ноқонуний қарор ва буйруқлар протест келтириш йўли билан қонунга мувофиқлаштирилди ёки бекор қилинди, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 274 та тақдимнома киритилди, 353 та қарор қабул қилиниб, 14 мансабдор шахсга нисбатан огоҳлантирув эълон қилинди. Вояга етмаганлар манфаати юзасидан 10 та даъво аризаси киритилди.**

# ОТА-ОНАНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДАГИ ЎРНИ

Прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномаларига асосан 613 мансабдор ва масъул шахслар интизомий, 328 нафари маъмурий, 131 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Жойлардаги комиссия аъзолари вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар кузатувисиз ёки дарс вақтларида компьютер клублари ва кўнгилочар жойларда (кафе, бар) бўлишларининг олдини олиш мақсадида 534 марта рейд ўтказиб, 113 вояга етмаганлар кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз бўлганларини аниқлаб, улардан 65 нафарининг ота-оналари ва 34 та кўнгилочар жойлар раҳбарларига нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жойларда кенг қамровли таъсирчан тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида гуруҳ 49 марта тарғибот тадбирлари ўтказди. Натижада, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 12 тага, жиноят содир этишда вояга етмаганларнинг иштироки 52 тага камайди.

Вояга етмаганлар жиноят содир этишига 200 дан ортиқ омиллар сабаб бўлиши илмий жиҳатдан асосланган. Шунга кўра, вилоят прокуратураси ташаббуси билан таълим муассасаларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, педагог-руҳшуносларнинг вояга етмаганларни Ватанга садоқат, қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ўсмирлар психологиясини чуқур ўрганиш, ҳар бир ўқувчига якка тартибда ёндошиш, давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълим жараёнини ташкил этишга оид хизмат вазифаларига масъулиятини ошириш мақсадида улар ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш органлари ва руҳшунослар иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Семинарларда "Оила - маҳалла - мактаб" концепцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари ва оилалар билан узвий ҳамкорликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Мунтазам дарс машғулотларига қатнашмайдиган ўқувчиларни аниқлаб, уларнинг ота-оналари билан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилиб, 700 дан ортиқ ўқувчи таълимга қайтарилди. Шу билан бирга 500 дан зиёд ота-она фарзандларига таълим-тарбия бериш мажбуриятларини бажармаганлари учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

**Лобар ЗАМИТОВА,**
**Шуҳрат ТОШНАЗАРОВ,**
**вилоят прокурори катта ёрдамчилари.**

Мактабгача таълим

# ИНТЕРФАОЛ ДАРСЛАР САМАРАСИ

**Келажак – ёшлар қўлида. Шу маънода, бугун улар билим масканларида қандай таълим-тарбия олаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бунда мактабгача таълим муассасаларининг алоҳида ўрни бор.**

Қуйи Чирчиқ туманидаги 3-мактабгача таълим муассасасида 190 га яқин ўғил-қиз тарбияланмоқда.

– Боғчамиз тарбияланувчилари учун ҳамма шароитлар яратилган, – дейди мудира Хонимбуви Валиева. – Вақтлари мазмунли ўтиши учун боғча қошида инглиз ва рус тили, бадиий гимнастика, таэквондо каби тўгараклар ташкил этилган.



– Ўғлим боғчасини жуда яхши кўради, – дейди тайёрлов гуруҳи тарбияланувчисининг онаси Ҳалима Бобоева. – Бу ердаги қизиқарли ўйинлар, интерфаол дарслар фарзандим тарбиясида яхши самара бермоқда. Айниқса, инглиз ва рус тили тўгаракларида ўғлимнинг нутқи ва сўз бойлиги ошмоқда.

Ушбу муассаса туманда энг намунали масканлардан ҳисобланади. Тарбиячи ва энагаларнинг хушмуомалалиги ва болалар руҳиятини яхши тушуниши тарбия сифатини янада оширмоқда.

– Болаларни жуда яхши кўраман, – дейди тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Галия Файзулина. – Уларнинг дунёси чизилмаган оқ қоғозга ўхшайди. Ҳар тонг "Ассалому алайкум, боғча опа" деб кириб келишлари менга олам-олам қувонч бағишлайди.

Боғча маъмурияти таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида қўшимча тўгараклар очишни режалаштирмоқда.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ**
**олган сурат.**

ЭЪЛОНЛАР

## Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2015 йил 28 ноябрь соат 10.00 да очиқ тендер ўтказилади

1. ВХ-405 "Олмалиқ АШБ-Қизил бирлик қишлоғи (Гулистон м.ф.й. орқали)" (такрорий)
2. ВХ-576 й.т. "Олмалиқ АШБ-Қизил бирлик қишлоғи (Гулистон м.ф.й. орқали)" (такрорий)
3. ВХ-213 "Оққўрғон АШБ-Дўстобод АШБ (Навоий орқали)" (такрорий)
4. ВХ-321 "Ангрен АШБ-Нуробод АЧСБ" (такрорий)
5. ВХ-321 П "Нуробод АЧСБ-Ангрен АШБ" (такрорий)
6. ВХ-327 "Тўйтепа АББ-Олмалиқ АШБ" (такрорий)
7. ВХ-327П "Тўйтепа АББ-Олмалиқ АШБ" (Олмалиқ ш. томондан) (такрорий)
8. ВХ-328 "Бўка АШБ-Оққўрғон ф/у" (такрорий)
9. ВХ-329 "Олмалиқ АШБ-Шовғозсой қишлоғи" (такрорий)
10. ВХ-300 й.т. "Янгийўл АШБ-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
11. ВХ-300 й.т.П "Янгийўл АШБ-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
12. ВХ-390П "Невич қишлоғи-Қўйлиқ АШБ" (Қўйлиқ томондан) (такрорий)
13. ВХ-344 й.т. "Қайтмас қишлоғи-Тўйтепа АШБ" (такрорий)
14. ВХ-415 "Қизилтоғ қ.-Қўйлиқ АШБ (Олға орқали)" (такрорий)
15. ВХ-440 й.т. "Тўйтепа АББ-Алимкент қўрғони" (такрорий)
16. ВХ-539 "Ғазалкент-Боғистон қишлоғи" (такрорий)
17. ВХ-543 "Чирчиқ АББ-Хондойлик қишлоғи" (такрорий)
18. ВХ-552 "Ғазалкент АШБ-Қизил сув қишлоғи" (такрорий)
19. ВХ-557 й.т. "Қузилсув маҳалласи-Ғазалкент АШБ" (такрорий)
20. ВХ-371 "Жумабозор-М.Юсуф кўчаси бекати" (такрорий)
21. ВХ-286 й.т.П "Янгийўл темир йўл вокзали-Тошкент (Бут орқали)" (такрорий)
22. ВХ-588 й.т. "Қизил Ўзбекистон-Тошкент АББ" (такрорий)
23. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори-Кескен қишлоғи"(такрорий)
24. ШИ-31 й.т. "Сут заводи-Аммафос ОАЖ" (Олмалиқ ш.) (такрорий)
25. ВХ-367 "Янгибозор АШБ-А.Яссавий" (такрорий)
26. ВХ-368 "Чумчуқжар қишлоғи-Жалолтепа қўрғони" (такрорий)
27. ВХ-426 й.т. "Ўртасарой ф/у-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
28. ВХ-551 "Ғазалкент АШБ-Чах Чам қишлоғи" (такрорий)
29. ВХ-417 й.т "Оҳангарон АШБ-Тўйтепа АББ" (такрорий)
30. ВХ-417 й.т П "Оҳангарон АШБ-Тўйтепа АББ" (такрорий)
31. ВХ-612 й.т. "ТошДАУ-ТТЗ АШБ" (такрорий)
32. ВХ-613 й.т. "Паркент АШБ-Самсарак қишлоғи" (такрорий)
33. ВХ-444 "Тошовул қишлоғи-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
34. ВХ-374 й.т. "Паркент АШБ-Сўқоқ қишлоғи" (такрорий)
35. ВХ-624 й.т. "Қўйлиқ АШБ-Қорасув-Паррандачилик фабрикаси (Туркистон м.ф.й орқали)" (такрорий)
36. ВХ-400 й.т. "Дўстобод АШБ-Чиноз шаҳри (Меҳнатобод орқали)" (такрорий)
37. ВХ-411 й.т. "Олмалиқ АШБ-Убайт-Узар-Эйвалек қўрғони" (такрорий)
38. ВХ-420 й.т "Қўйлиқ бозори-Дўстлик маҳалласи-Сурум қишлоғи-Дўстлик қ.ф.й. 11-мактаб" (такрорий)
39. ВХ-232 "Янгийўл АШБ-Беруний ф/у (Нурбой ота)" (Беруний томондан) (такрорий)
40. ВХ-232 "Янгийўл АШБ-Беруний ф/у (Нурбой ота)" (Янгийўл АШБ томондан) (такрорий)
41. ВХ-292 "Янгийўл АШБ-Ўқитувчилар олийгоҳи" (такрорий)
42. ВХ-541 й.т "Оққўрғон АШБ-Хонқа (Элтамғали орқали)" (такрорий)
43. ВХ-295 "Янгийўл АШБ-Кескен маҳалласи" (такрорий)
44. ВХ-344 "Оққўрғон АШБ-Қўйлиқ АШБ (Олимкент орқали)" (такрорий)
45. ВХ-347 "Оққўрғон АШБ-Бўка АШБ" (такрорий)
46. ВХ-350 "Оққўрғон АШБ-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
47. ВХ-335 "Оҳангарон АШБ-Тут қишлоғи" (такрорий)
48. ВХ-508 й.т. "Қибрай туғруқхонаси-Крупский қўрғони" (такрорий)
49. ВХ-501 й.т. "Мой қишлоғи-ТТЗ АШБ(Ширин бозори орқали)" (такрорий)
50. ВХ-605 "С.Нажимов" божхона пости-Чегара блок пости"
51. ВХ-606 "Дўстобод АШБ-Қўйлиқ АШБ (Тошовул орқали)"
52. ВХ-607 "Ўрмон хўжалиги-Туман марказий шифохонаси"
53. ВХ-608 "Зафар-Далварзин-Зиёли"
54. ВХ-610 "ҒазалкентАШБ-Хумсон қишлоғи (Беш тут орқали)"
55. ВХ-424 "Жангибой маҳалласи-Қўйлиқ АШБ" (Ғалаботир орқали)
56. ВХ-426 "Тўйтепа АББ-Ўртасарой-Қўйлиқ АШБ"
57. ВХ-203 "Лубзавод-Куйлик АШБ"
58. ВХ-209 "Дўстобод АШБ-Дўстлик ф/у"
59. ВХ-299 "Дўстобод АШБ-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)"
60. ВХ-299П "Дўстобод АШБ-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)"
61. ВХ-331 "Олмалиқ АШБ-Авжазсой қишлоғи"
62. ВХ-332 "Олмалиқ АШБ-Қизилой-Урғозсой қишлоғи"
63. ВХ-333 "Олмалиқ АШБ-Пискент АШБ"
64. ВХ-348 "Дўстобод АШБ-Қўрғонча қўрғони"
65. ВХ-349 "Ўзбекистон 5 йиллиги ф/у-Қўйлиқ АШБ"
66. ВХ-424 й.т. "Сирғали маҳалласи-Ғиштқўприк-Юнусобод 9-даҳа АШБ"
67. ВХ-375 "Қизилту бурилиши-Қўйлиқ М1 АШБ" (Сувсоз даҳаси орқали)
68. ВХ-375 П "Қизилту бурилиши-Қўйлиқ М1 АШБ" (Сувсоз даҳаси орқали)
69. ВХ-449 "Қўйлиқ АШБ-Ўзбекистон ф/у"
70. ВХ-628 й.т. "Оҳангарон тиббиёт бирлашмаси-Оҳангарон шакар заводи"
71. ВХ-629 й.т. "Паркент АШБ-Чотқол қишлоғи-Чирчиқ АББ"
72. ВХ-630 й.т. "Қўйлиқ М2-4-шаҳар қабристони"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай бўлими, ҳ/р 20210000104661167001 (банк коди 00884, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2015 йил 23 ноябрь соат 17.00гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2015 йил 27 ноябрь соат 17.00гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти биноси.

**Маълумот учун телефон:**
**(+99871) 294-92-43.**

MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2016 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

| Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд. | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 0-371-233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +998946546638 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +998903508872 |
| Бекобод туман филиали: | +998901674327 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +998949308045 |
| Зангиота туман филиали: | +998909764793<br>+998951971964 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +998917883393 |
| Оҳангарон туман филиали: | +998935082299 |
| Ўрта Чирчиқ туман филиали: | 0-370-76-21-476 |
| Чиноз тумани филиали: | 0-370-59-31-331<br>+998955159677 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | 0-370-71-64-617<br>+998901259907 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +998901684678 |
| Пискент туман филиали: | +998936197733 |
| Қибрай туман филиали: | +998936138316 |
| Янгийўл туман филиали: | 0-370-60-22-034<br>+998942152173 |
| Паркент тумани филиали: | +998901684678 |

ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

Гувоҳнома № 000690

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ва унинг ҳудудий филиалларининг танлов савдоларига чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг 2015 йил 5 октябрдан 20 октябргача бўлиб ўтган савдолар натижалари**

**Сўмда**

1. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман, Чорбоғ шаҳарчаси, Беш тут маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони - 0.03га бўлган, гўзаллик салони қурилиши учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич баҳоси - 153 100 сўм, сотилиш баҳоси - 3 000 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ шаҳарчаси, Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони - 0.08 га бўлган, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич баҳоси - 1 377 900 сўм, сотилиш баҳоси - 5 000 000 сўм.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 2-88-15-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10V770EA, бошланғич баҳоси - 49 186 000 сўм бўлган "Тойота ЯРИС" русумли; 2. 1999 йилда и/ч., дав/рақ: 01Y566DA, бошланғич баҳоси - 40 438 233 сўм бўлган "Мерседес Бенц С 180" русумли; 3. Тошкент вилояти Зангиота тумани "OAZIS MEGA BIZNES" SAVDO МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 11919/24-сонли ижро варақасига асосан: 2013 йилда и/ч., дав/рақ: 01M449PA, бошланғич баҳоси - 37 038 820 сўм бўлган "Кобальт" русумли автотранспорт воситаси такроран савдога қўйилмоқда. II. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани "Мариам Текстил Сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2014 йил 14 февралдаги 74-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 10V994GA, бошланғич баҳоси - 35 348 428 сўм бўлган, "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. 2. 2014 йил 11 августдаги 01-277-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1988 йилда и/ч., дав/рақ: 10R877GA, бошланғич баҳоси - 5 849 233 сўм бўлган, "ВАЗ-2107" русумли автотранспорт воситаси такроран савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 12 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилади. III. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 2015 йил 06 октябрдаги 9500/15-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 10P683FA, бўлган "ВАЗ21063" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 866 000 сўм. IV. Тошкент вилояти Янгийўл тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Зангиота туманлараро Судининг 2015 йил 24 августдаги ижро варақасига асосан: 1. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ ҳовлисида сақланаётган: 2011 йилда и/ч., дав/рақ: 10Q705HA, бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 45 400 000 сўм. 2. Янгийўл туман, Лаззат кўчаси, 1-А уйда жойлашган ЛАЗЗАТ КИЧАЖ биносида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 150 000 000 сўм бўлган, КРОНО ИНВЕСТ МЧЖга тегишли қоғозли конус ишлаб чиқарадиган DCW русумли асбоб-ускуналар қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар ва автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

## ТАЭКВОНДО (WTF)



**Қозоғистон очиқ чемпионатининг дастлабки кунида спортчиларимиз бешта медални қўлга киритди.**

Катталар ўртасида вазни 54 килограммгача бўлган таэквондочилар баҳсида Баҳром Абдуллаев кумуш, вазни 58 килограммгача спортчилар ўртасида Темурбек Ўролов бронза медаль билан тақдирланди.

Ёшлар ўртасида Влада Пан вазни 59 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўз вазн тоифаларида Улуғбек Тўхтасинов иккинчи, Сардор Тоиров учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон миллий Олимпия қўмитасидан маълум қилинишича, 2016 йилги Олимпия ўйинларининг йўлланмаси учун кураш олиб бораётган терма жамоамизнинг икки етакчиси – Дмитрий Шокин ва Жасур Бойқўзиев 28 октябрь куни мусобақага киришади. Ушбу турнир ғолиби 10 рейтинг очкосига эга бўлади.

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

**Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида паралимпиячилар ўртасида ўтказилаётган Жаҳон чемпионатида спортчиларимиз иккита бронза медални қўлга киритди.**

Мазкур чемпионатда юздан ортиқ давлат паралимпиячилари совринли ўринлар билан бирга 2016 йилги Бразилияда бўладиган Паралимпия ўйинлари йўлланмалари учун баҳслашмоқда.

Мусобақада ядро улоқтириш бўйича қатнашган тажрибали спортчимиз Ҳусниддин Норбеков 14,57 метр натижа қайд этиб, бронза медалга сазовор бўлди. Узунликка сакрашда Бекжон Чеваров 6,65 метр натижа билан учинчи ўринни эгаллади. Спортчимиз ушбу кўрсаткичи билан Осиё рекордини янгилади.



## ЭРКИН КУРАШ



**Туркияда ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда полвонларимиз битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди.**

Вазни 60 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Темур Усмонохунов олтин медалга лойиқ топилди. 96 килограммгача кураш усталари ўртасида Баҳодир Аслонов иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир кумуш медалга вазни 50 килограммгача ўсмирлар мусобақасида қатнашган Умид Ҳамроқулов сазовор бўлди.

**Б. АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**




## ЗИЛЗИЛА ЎЧОҒИ АФҒОНИСТОНДА

**Ўзбекистон Фанлар академияси сейсмология институтидан маълум қилишларича, 26 октябрь, душанба куни соат 14 дан 9 дақиқа ўтганда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ғайриодатий ҳолдаги узоқ ер силкиниши кузатилди.**

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, зилзила ўчоғи Тошкент шаҳридан 558 километр узоқда, яъни Афғонистон ҳудудида ер юзасидан тахминан 200 километр чуқурликда бўлган. Марказда ер силкинишининг кучи 7,5 магнитудада қайд этилди.

"Тошкент" сейсмик станцияси мамлакат пойтахти ва Самарқанд вилоятида зилзиланинг кучи 5 балл, Фарғона вилоятида 4 балл, Андижон ва Наманган вилоятларида 3 балл бўлганини қайд этди.

Сейсмология институти олимларининг фикрича, бу галги ер силкиниши узоқроқ давом этганининг сабаби, юқори магнитудадаги силкиниш боис катта қувват ажралиб чиқиб, кучли ва узун тўлқинлар катта ҳудудларга тарқалди.

## ОКЛАХОМАДА КУТИЛМАГАН ФОЖИА

**Американинг Оклахома штатида тантанали намойиш давом этаётган пайтда содир этилган автомобиль ҳалокати оқибатида тўрт киши ҳалок бўлгани ва 40 дан зиёд намойишчи жароҳатлангани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

Маҳаллий ҳукуматнинг агентликка маълум қилишича, ушбу фожиа штатдаги университет ташкил этган тантанали намойиш пайтида содир бўлган. Ҳозирча аниқлашнинг имкони бўлмаган сабабларга кўра, енгил автомобиль катта тезликда намойишчилар тўдасига келиб урилган. Текширилган маълумотларга қараганда, саккиз жабрланувчи, шу жумладан, беш бола зудлик билан шифохонага келтирилган. Болалардан бири кўп ўтмай, ҳалок бўлган. Агентликнинг маълумотига кўра, автомобилни 25 ёшли маҳаллий аёл бошқарган. Уни қўлга туширган полиция аёл маст ҳолда эканини маълум қилди.

## САМОЛЁТНИ АЁЛЛАР БОШҚАРИШАДИ

**Ҳиндистон ҳукумати узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг аёлларга қирувчи самолётларни бошқаришлари учун рухсат беришга қарор қилди.**

"Интерфакс" порталининг маълумотларига қараганда, ушбу қарор сўнгги йиллардаги энг илғор қадамлардан биридир. Зеро, илгари армияда хизмат қилаётган аёллар учун қирувчи самолётларни бошқариш тақиқланган эди. Янги қарордан сўнг аёллар ҳам худди эркаклар каби жанговар учувчи аппаратларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлдилар. Етти ойдан сўнг аёл ҳарбий хизматчиларни ўқитиш бошланади. 2017 йилда аёлларнинг қирувчи самолётларни бошқариши биринчи марта синовдан ўтказилади.

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ҚИЗИҚЧИ ҒОЛИБ БЎЛДИ

**Reuters тарқатган хабарда айтилишича, телевидениеда қизиқчилик ролларини ўйнайдиган актёр, миллий бирлик фронтидан номзод Жимми Моралес Гватемалада ўтказилган президент сайловларида ғолиб чиқди.**

"Мен президент сифатида коррупцияга қарши курашиш учун Гватемала халқидан мандат олдим", деди у. У сайловларда 69,62 фоиз овоз олди. Унинг рақиби, социал демократик миллий иттифоқдан номзод Сандра Торрес 30,38 фоиз овоз олиб, мағлубиятини тан олди.

Моралес актёрликдан ташқари, режиссёр ҳам ҳисобланади. Бироқ, у сиёсий жиҳатдан тажрибага эга эмас. Унинг ҳар якшанба куни эфирга узатиладиган қизиқчилик дастури маҳаллий аҳолига жуда манзур. Бундан ташқари, у мудофаа ва хавфсизлик соҳасига ихтисослашиш бўйича магистратурани битирган.

Гватемала конгресси 3 сентябрь куни мамлакат президенти Отто Пересннинг истеъфосини қабул қилди. Собиқ президент мамлакат божхона хизмати тизимида коррупцияни йўлга қўйишда, қаллоблик ва жиноий тил бириктиришларда айбланмоқда.

## САЙЁҲЛИК КЕМАСИ ЧЎКИБ КЕТДИ

**Бортида 27 йўловчи бўлган сайёҳлик кемаси Канада соҳилларига яқин жойда сувга ғарқ бўлганлиги ҳақида хабар тарқатди Global News телеканали.**

Фожиа Тофино аҳоли истиқомат жойи яқинида содир бўлди. Ҳамкорликдаги қутқарув-мувофиқлаштирув марказидан маълум қилишларича, ҳалокат қурбонлари ҳам, қутқариб қолинганлар ҳам бор. Кейинчалик тарқатилган хабарда айтилишича, камида уч киши ҳалок бўлган. Воқеа жойида қидирув-қутқарув гуруҳи ишламоқда. Ушбу мутахассисларга маҳаллий аҳоли ёрдам бермоқда.

Кема нима сабабдан чўкиб кетгани номаълум. У китларни кузатиш учун саёҳат уюштирувчи компанияга тегишли эди. Унга қарашли яна бир сайёҳлик кемаси 1998 йилда айнан Тофино яқинида сувга ғарқ бўлиб, германиялик сайёҳ ва кема капитани ҳалок бўлганди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Кўргазма

## ЭКСПОНАТЛАРДА ВИЛОЯТИМИЗ ТАБИАТИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида рассом Римма Гаглоеванинг шахсий кўргазмаси очилди. Ижодкорнинг намойишга қўйилган 240 га яқин асарлари ихлосмандлар ва рассомларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, рассом Раҳим Ризомуҳамедов кўргазмани "Гуллар ҳақида қўшиқ" деб атади.**

Экспозицияга қўйилган асарларда мамлакатимиз, хусусан вилоятимизнинг гўзал табиати манзаралари, миллий тураржойлар, портретлар, заминимиз неъматлари, турмуш тарзимизнинг айрим кўринишлари акс этган. Тошкент вилояти табиати манзаралари 60 дан зиёд асарларда тасвирга туширилган. "Тонг. Чимён", "Чимён. Оқшом", "Чимён. Ёз", "Чимёнда туман", "Сўқоқ", "Сўқоқда баҳор", "Сўқоқ. Оқшом", "Куз. Сўқоқ", "Туман. Сўқоқ", "Сўқоқ. Қиш. Кечки маҳал", "Сижжак", "Сижжак. Қоя", "Чорвоқ. Тоғлар", "Чорвоқ. Оқшом", "Оқшом. Чотқол" каби асарлар экспозициядан ўрин олган.

Намойишга қўйилган экспонатлар ёнида уюштирилган давра суҳбатида таъкидланганидек, муаллиф болалик чоғлариданоқ таниш бўлган тоғ манзаралари ва кичик овуллар бутун умри мобайнида ижодининг бош мавзуи бўлиб келган. Кейинчалик Чимён, Сижжак ёки Сўқоқ манзараларига мурожаат қилган.

Кўргазмадаги асарларда муаллифнинг чуқур ҳиссиётлари, таассуротлари, яхлит уйғунлашган дунёси акс этган бўлиб, табиийки, бу ерга келган ихлосмандларни бефарқ қолдирмайди, мулоҳазаларга чорлайди.

Кўргазма 10 ноябргача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Ҳангома

## ЕМАГАН СОМСАГА ПУЛ

Яқинда нотаниш бир одам қўнғироқ қилди. "Лаббай" дейишимни биламан, салом йўқ, алик йўқ, гапни дағдағадан бошлади:

– Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши-е, ноинсоф!

Кулгим қистади. Янглиш қўнғироқ. Асабни бузишга ҳожат йўқ.

– Сиз адашиб тушдингиз-ов...

– Нега адашарканман, сандақа товламачи дунёда битта бўлса керак. Адаштириб ўлибманми?

Буёғи қизиқ бўлди-ку. Тўғриси, жаҳлим чиқа бошлади.

– Ғалати одам экансиз. Бировни товламачига чиқаришдан олдин номерни тўғри теринг-да. Айтяпман-ку, бошқа ёққа тушдингиз.

Қулоқ солса қани?! Қайтамга етти ухлаб тушимга кирмаган маломатларни ёғдириб юборса, денг.

– Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл-да! Ўғил бола эмиш, йигирма минг учун икки йилдан бери бекиниб юрибсан-а. Бошингга рўмол ўраб ол! Бу кунингдан ўлганинг яхшимасми?

Телефоннинг қизил тугмасини босдим. Ғалчага ғалва кўп, шармандага шаҳар кенг. Шундай қилмасам, бу сурбетдан яна қанақа дашномлар эшитардим?

Аммо... "сурбет" узоқ куттирмади. Аввалига жавоб бермадим. Яна ва яна, кетма-кет қўнғироқ қилаверди. Охири бўлмади. Ётиғи билан тушунтирмоқчи эдим, кошки эшитса! Гўёки икки йил аввал бу одамдан Ҳабиб деган биттаси йигирма минг қарз бўлиб қолган. Бор-йўғи йигирма минг. Ўртасидан нима бало ўтгани қоронғи, аммо Ҳабиби тушмагур шу пулни қайтармай, аввал роса алдаб юрган, кейин Тошкентга ишлагани кетворган. Ростми-ёлғонми, тушунганим шу бўлди.

– ... Бешёғочга икки бориб, қидириб келдим-а, сени! Саксон минг пулим кетди. Лафз борми ўзи, сен ярамасда? Бу ёқда отанг юрибди, ҳеч кимга гап бермай. Э, ўргилдим, сендақа кўча хандонлардан!

– Тушунсангизчи, мен Ҳабибмасман. Исмим бошқа, фамилиям бошқа. Сизни умуман танимайман, қарз ҳам олмаганман. Бошқа қўнғироқ қилманг.

– ... етмиш икки ўн тўрт, шу сани номерингми, ахир? Йигирма минг учун икки йилда тўрт марта номерингни алиштирдинг-а, мараз! Янги номерингни олгунча, анави ер юткур нонемас божангга икки шиша қуйдим-а! Бермасанг бермайман дегин, шу пулдан кечмаган номард! Фақат хотинчалишларга ўхшаб, судраб нима қиласан?

"Э, сани ўша, гап тушунмаган..." Сўкиб-сўкиб яна қизил тугмани босдим. Бу ё жинни, ё ғирт бекорчи! Шунча ҳақоратдан кейин без бўлиб қўнғироқ қилишини кўринг, энди!

Тавба, аниқ-тиниқ айтаяпти-я, рақамимни. Ёки, аввал бу рақамни Ҳабиб дегани тутганмикин? Йўғ-а, етти йил бўлди-ку, шу рақамдаман. У эса буни тушунишни истамайди. Қўнғироқ устига қўнғироқ. Жавоб бермай, қайтариш тугмасини устма-уст босиб тураверdim. Бўлмади. Олсам, яна ўша гап-да.

Ичимда Ҳабиб деган майдакаш қаллобнинг қариндош-уруғларини бир қур "ёдга олиб" чиқдимда, смартфонни бутунлай ўчириб қўйдим. Икки соатлардан кейин бир зарур юмуш туғилиб, телефонимни ёқувдим ҳамки, жингир-жингир бошланди. Бу сафар аллақандай яширилган рақамдан. Ким бўлиши мумкин?

– Лаббай!

Вой, Худойим-ей. Бас қиладими бу ё йўқми?

– Энди бунақа йўлга ўтдингми! Ў-ў, бола, минг телефонингни ўчирганинг билан мандан қутулиб бўпсан. Олмасам, нақ қиёматгача орқангдан қуваман, билиб қўй! Сан икки дунёингни йигирма мингга сотма, бола!

Қўрқиб кетдим. Гапининг совуқлигини қаранг. Бинобарин, тушунтириш бефойда эди.

– Ҳой, инсон, – овозим қалтираб чиққанини сездим. – Нега одамни хуноб қиласиз. Мен Ҳабиб эмасман! Қаердасиз ўзи, тайин бир жойга келинг, кўришайлик. Шунда ишонарсиз, Ҳабибмаслигимга!

У баттар авжига чиқди.

– Э, тавбангдан кетай, қанақа одам-а, бу ўзи? Устимдан куляпсанми? Энди йигирма мингни деб, Паяриқдан Тошканга уч қатла борайинми? Кавушим тўзиб кетди-ку, имонсиз!

Яна беихтиёр қизил тугмани босдим. Кўнглим айниб, кўз олдим қоронғилашди. Айниқса, охирги гапи устихонимгача зирқиратворди: "Кавушим тўзиб кетди-ку, имонсиз..."

Энди бундан қутулиб бўлмайдиганга ўхшарди. "Қарзим борлиги"ни тан олишдан бошқа чорам қолмади. Телефон эса жиринглашдан чарчамайди. Тугмани босиб, дангал сўрадим:

– Хўп, қанча қарз эдим сиздан?

– Яна қанча дейди-я, уялмай. Ҳалидан буён эшакка дутор чаляпманми? Йигирма минг!

– Бўпти, – деб гапни қисқа қилдим. – Йигирма мингингизни шу рақамга "пайнет" орқали ташлаб юбораман. Ярим соатда тушади пулингиз. Бўладими, қутуламанми шунда?

– Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик қилма, укам, – у шундаям вайсашини қўймасди. – Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним экан-да. Ярим соат кўп, ўн беш минутда тушсин.

Шу билан қутула қолайин-а! Ол, йигирма минг сандан айлансин. Бор ишимни ташлаб, тўлов шахобчасига чиқдим-у, емаган сомсамга пул тўладим. Буни қаранг, "сурбет" СМС ёзиб, пул тушганини тасдиқлашни ҳам унутмади. Бирам енгил тортдимки...

Ишхонага қайтиб кирдим-у, гарчи айтарлик гап бўлмаса ҳам бўлган ҳангомани қоғозга тушира бошладим. Зора,ноширларимиз қалам ҳақини дурустроқ ёзсалар-у, бебилиска чиқимнинг ўрни тўлиб кетса...

**Муҳаммад АЪЛО.**



Бу – қизиқ

## Меркурийда 1 кун 2 йилдан узунроқ

- Қуёш нури Ерга 8,5 дақиқада етиб келади.
- Қуёш энергиясининг 19 фоизи атмосферага сингиб кетади, 47 фоизи Ерга тушади, 34 фоизи эса коинотга қайтади.
- Қуёш тизимидаги барча сайёралар Юпитер сайёрасининг ичига жойлашиши мумкин.
- Ойнинг Ердан кўриниб турадиган энг улкан кратери Бейли деб аталади. Унинг майдони тахминан 26,000 квадрат милга тенг.
- Ойнинг диаметри 3 476 километрга тенг.
- Ерга ҳар куни 27 тонна космик чанг ёғилади. Бир йилда 10 минг тоннадан ортиқ чанг ерга тушади.
- Меркурий сайёрасидаги бир кун Ердаги икки йилдан узунроқ. Меркурий ўз ўқи атрофида жуда секин айланади, Қуёш атрофини эса 88 кундан озроқ вақт ичида айланиб ўтади.
- Галактикамизда ҳар йили қирққа яқин юлдуз пайдо бўлади.
- Ерда юз килограммга тенг жисмнинг оғирлиги Марсда 38 килога тенг бўлади.
- Оддий почта маркаси билан тенг бўлган қуёш парчаси 1,500,000 дона шам ёнганчалик ёруғликни бера олади.

Рассом хандаси



*— Қарға тушмагур, сени деб яна супуришимга тўғри келади.*

Жиноятга жазо муқаррар

## ЎЗИГА-ЎЗИ ЧОҲ ҚАЗИДИ

**Ўшанда 2013 йил октябрь ойининг охирлари эди. Бўстонлиқ туманидаги Боғистон қишлоғилик Умрвой Мираҳмедов қўйларидан хабар олиш учун қўйхонасига кирди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Яхши ниятлар билан боқаётган она-бола қўйи ва қўчқори жойида йўқ эди. Чор тарафга югуриб излади, тополмади. Кейин туман ИИБнинг Бурчмулла кўрғон милиция бўлинмаси бошлиғи Шуҳрат Файзуллаевга мурожаат этди.**

– Ўғрини албатта топамиз, сиз уйингизга кетаверинг, – деб бошлиқ уни хотиржам қилиб жўнатгач, туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори Ф. Тожибоевни воқеа жойига юбораркан, тайинлади:

– Мираҳмедовдан ўғирлик жинояти бўйича ариза олма, чунки ҳудудда очилмаган жиноятчилик ошиб кетади.

Бу билан Ш. Файзуллаев иккинчи жиноятга йўл очди. Ўғрилар қараса, ҳеч ким уларнинг изига тушмаяпти. Демак, қишлоқ бедарвоза. Энди улар 24 ноябрь куни Д. Деҳқонованинг хонадонидан иккита қўй ва битта эчкини ўмаришди. Бу сафар ҳам Ш. Файзуллаевнинг "саховати" билан "қор ёғиб, излар босилди".

2014 йил 30 апрель куни Янгикўрғон қишлоғилик Р. Холтоеванинг молхонасига тушган ўғри хонадон эгаларининг ҳушёрлиги билан қўлга олинди. Улар не кўз билан кўрсинларки, ўғри қўшниси, муқаддам судланган ва ўша пайтда туман ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекцияси ҳисобида туриб, жазо муддатини ўтаётган Д. Абдулқосимов экан. Унинг жонига ҳам Ш. Файзуллаев оро кирди. Жазо ўтаётган шахснинг жиноят содир этиши хизмат фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини рўкач қилиб, хонадон эгасидан ариза олмасликка эришди.

Ҳар учала ҳолатда ҳам Ш. Файзуллаев жабрланувчилардан ариза олмай, жиноят ҳақида туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар бермай, жиноятни ҳисобга олишни қасддан яшириб келган.

Шунча қилғиликларни қилиб қўйган Ш. Файзуллаев вилоят прокуратураси ўзи устидан жиноий иш қўзғатгани, тергов ҳаракатлари олиб борилаётганини билган ҳолда 22 сентябрь куни Зангиота тумани ҳудудидаги айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасига ноқонуний ўтиб, 22 декабрь куни яна шу тахлитда юртимизга кириб келаётганида ҳушёр чегарачилар қўлга олишди.

Ш. Файзуллаев одил суд қаршисида айбига иқрор бўлиб, жиноятига яраша жазо олди.

Бирор фуқаро қонунни бузса, уни ҳуқуқий саводсизликда айблашимиз мумкин, лекин айнан хавфсизлигимиз, осойишталигимизни сақлашга масъул бўлган ҳуқуқ-тартибот ходими шундай йўл тутса, уни ким деб аташ мумкин? Ўз "тинч"ини ўйлаб, хизмат вазифасига виждонан ёндошмаган бундай масъул раҳбарларнинг хатти-ҳаракатини қонунларимизга ҳурматсизлик деб баҳолашдан бошқа изоҳ бўлмаса керак.

**Нозик РАҲМАТОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ирода НОРБОЕВА
Навбатчи Нозима АРСЛОНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4246. Адади 7603. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.